

## ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Умида Носирова**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада эшитишида нуқсони бўлган болаларни нутқининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш йўллари ёритилган. Эшитишида нуқсони бўлган болаларни сақланган анализаторларига ёндошиш йўллари, бундай болаларни ақлий ривожлантириш усуллари ёритилган.

**Калит сузлар:** эшитиш нуқсони, нутқ, диққат, хотира, тафаккур.

## METHODS FOR DEVELOPING SPEECH IN CHILDREN WITH HEARING IMPAIRMENT

### ABSTRACT

This article discusses the features of speech and ways of development of children with hearing impairments. Methods of selecting children with hearing impairment and methods of mental development of the child.

**Keywords:** hearing loss, speech, attention, memory, thinking.

### КИРИШ

Бошланғич синф эшитишида нуқсони бўлган болаларда барча психик жараёнлар, жумладан, тафаккур, хотира, идрок ва х.к. ларнинг ривожлантириш кузатилади. Нуқсони туфайли эшитишида нуқсони бўлган болалар ўз тенгдошларидан ортда қолади, шунинг учун ҳам бу ҳолларда мақсадли тизимли таълим- тарбия талаб этилади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кундалик ҳаётда жонли иштирок этадиган, катталар ва тенгдошлари билан мулоқот қилган бола фаол ривожланади. Унинг нутқи шаклланади, атроф олам ҳақидаги тасаввурлари юзага келади. Мактабгача таълим муассасасида қар ва заиф эшитувчи болалар билан олиб бориладиган машғулотлар уларнинг ёшига

мос билим ва кўникмаларни эгаллаши, мактабга тайёрланишида кўмаклашади, интеллектуал фаолиятини ривожлантиради. Эшитишида нуқсони бўлган болалар муаммолари билан кўплаб тадқиқотчи-педагоглар шуғулланишган. Н.А.Рау, Б.Д.Корсунская, А.А.Катайева, Н.Г.Морозова, Т.И.Обухова ишларига асосланиб айтиш маълум хулосалар қилиш мумкин бўлади. Бундай болаларга ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида махсус таълим ва тарбия талаб этилади, гарчи эшитишида нуқсони бўлган болалар ривожланишининг умумий йўналишлари соғлом болаларники билан умуман мос келади. Кар ва заиф эшитувчи болалар қатор хусусиятларга эга. Уларда:

- кўриб идрок этиш борасида етарлича ривожланмаганлик, жумладан, предметларни идрок этиш ва таниб олиш тезлиги паст экани;

- тақлиднинг секин шаклланиши, шунингдек намунага қараб танлашда қийинчиликлар;

- нутқнинг йўқлиги ва нутққача мулоқотнинг камлиги кузатилади.

Бу билиш фаолияти ва оғзаки-манتيкий тафаккурнинг ривожланишидаги кечикишга олиб келади. Айнан шунинг учун заиф эшитувчи болаларнинг ақлий ривожланишига катта эътибор қаратиш талаб этилади.

Бундай болаларнинг ақлий тарбиясида бир қатор вазифаларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Атроф олам ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш.
2. Билиш психик жараёнларини ривожлантириш.
3. Интеллектуал фаолиятнинг дастлабки усулларини шакллантириш.
4. Оғзаки нутқни шакллантириш.

Санаб ўтилган вазифаларнинг барчаси ўйин, махсус таълим ва меҳнат жараёнида амалга оширилиши лозим.

Одатда, эшитишида нуқсони бўлган болаларда атроф олам ҳақида тасаввурларни шакллантириш мактабгача таълим муассасасига қабул қилинган дастлабки кунлардан бошланади.

Кар ва заиф эшитувчи болалар дастлабки географик ва тарихий маълумотларни ҳам олишлари керак. Улар ўзи яшайдиган мамлакат номи, йирик шаҳарлар номлари, мамлакатимиз ҳудудидаги катта тоғлар, дарёлар номини билиб олади.

Сақланган анализаторлар ёрдамида эшитишида нуқсони бўлган болалар предметларнинг ранг, шакл, катталиқ, миқдор, сифатини идрок этишга қодир. Мактабгача ёшдаги болалар турли материаллар: қоғоз, мато, пахта ва ш.к. билан

ишлашга ўрганади. Айрим меҳнат қуроллари билан асосий иш усулларини ўрганади, аниқ хатти-ҳаракатларни ишлайди. Турли буюмлар ясаб, болалар ўз меҳнат фаолиятини мустақил режалаштиради ва ўз меҳнати натижаларини олдиндан кўра билишга уринади.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар сенсорикани ривожлантиришга қаратилган махсус машқларни бажаради. Бунинг учун турли кўргазмалар қуроллар: ёрқин ўйинчоқлар, табиий буюмлардан фойдаланилади. Болалар предметларни қараб чиқиш, предметларнинг у ёки бу хоссаларини аниқлаш, предметларни ўзаро қиёслашга ўрганади. Самарадорликни ошириш учун бола ўрганилаётган нарсани ўз қўлида тутиб кўриши, айланма ҳаракатлар билан уни кўрсатиши керак. Айти пайтда янги сўз жадвал бўйича қайта яратилади.

Қоғоз билан ишлашга катта эътибор қаратилади. Эшитишида нуқсони бўлган болалар қоғоз қандай (рангли – оқ, глянс – силлиқ ва ш.к.) бўлишини, у билан бажариш мумкин бўлган ҳаракатларни (йиртиш, қирқиш, буклаш ва ш.к.) ўрганилади. Қоғоз ишлатиладиган машғулотлар болада геометрик тасаввурларни шакллантириш имконини беради. Масалан, болалар янги геометрик шаклларни бутунни қисмларга бўлиш йўли билан: квадратдан икки тўғри тўртбурчак олиш, уларни иккига бўлиш билан тўртта квадрат олиш мумкинлигини билиб олади. Турли буюмларни ишлаш жараёнида болаларда майда моторика ривожланади, бу ўз навбатида нутқ ва фикрлаш операциялари ривожланиши учун муҳим саналади.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқий ривожланишдаги қийинчиликлари қуйидаги сабаблар билан белгиланади:

- миянинг нутқий зоналари овоз стимулятсиясининг йўқлиги ёки заифлашуви;
- нутқнинг эшитиш ахборотидаги нуқсон билан белгиланган нисбатан секин ва ўзига хос ривожланиши.

Нутқий ривожланишдаги нуқсоннинг оғирлик даражаси эшитишнинг пайдо бўлиш вақти ва унинг бузилганлик даражасига бевосита боғлиқ. Овоз дифференциациясининг етарлича ривожланмаганлиги мазмуний бўлакларнинг пасайишига олиб келади. Фонематик ривожланишдаги бузилишлар эшитиш-нутқий хотирада бузилишларнинг пайдо бўлишига кўмаклашади. Нутқий етишмовчилик бошқа билиш жараёнларининг ривожланишидаги ўзгаришлар, боланинг психик ривожланиши секинлашишига сабаб бўлади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кар болалар учун махсус муассасалар ташкил этилади. Бундай муассасалар кар болаларнинг умумтаълим ва меҳнат тайёргарлиги, тарбияси, уларнинг ривожланишидаги бузилишларни коррекциялаш ва компенсациялаш билан бир қатор вазифаларни ҳал этади. Мактаб таркиби 11 синфдан иборат, бундан ташқари 6 ёшли болалар учун тайёрлов синфи ҳам мавжуд. Одатда, бита синфда 12 тагача ўқувчи ўқийди. Коррекция ва ўқув-тарбия фаолиятида вербал нутқни ҳамда лисоний-мантикий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, фаол нутқий амалиётни кенгайтириш, қолдиқли эшитишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Кар ва заиф эшитувчи болаларни ўқитиш тизимининг дидактик асоси предметли-амалий фаолият саналади ва умумий ҳамда нутқий ривожланиш, билиш фаоллиги, билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда мустақиллик, онглиликнинг шаклланиши учун пойдевор саналади. Таълим жараёнига қўйиладиган асосий талаб – ривожлантирувчи, оғзаки нутқни эшитиб-кўриб ва эшитиб идрок этишни кўзда тутадиган, эшитиш-нутқ муҳитини яратиш.

Кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача ва мактаб-интернатлар тарбия, таълим ва меҳнат тайёргарлиги, эшитиш қобилиятининг пасайиши ва нутқий ривожланишдаги кечикишнинг оқибатларини бартараф қилишни амалга оширади. Болаларни фаол нутқий амалиётга, эшитиш идрокини ривожлантиришга ва лабдан, юзига қараб ўқиш кўникмаларини шакллантиришга максимал даражада рағбатлайдиган методлардан фойдаланилади. Мактаб-интернатлар болаларни 7 ёшдан қабул қилади. Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг меҳнат таълими 12 ёшдан бошланади ва таълим дастурида асосий ўринни эгаллайди. Кар ва заиф эшитувчи болалар билан даволаш-реабилитация, санитар-гигиеник, маслаҳат ишлари олиб борилади. Ҳамма сай-ҳаракатлар қолдиқли эшитишни максимал сақлаб қолишга қаратилади.

Эшитишида нуқсони бўлган боланинг ақлий ривожланишда орқада қолишига асосий сабаб нутқ ривожланишининг бузилиши саналади. Муаммо қуйидагидан иборат: бола ўз овозини ва атрофдагилар нутқини эшитмайди, демак, тақлид қилолмайди. Нутқий нуқсонлар характери эшитиш қобилияти бузилишининг ифодаланганлиги ва эшитиш аномалиясининг пайдо бўлиш вақтига бевосита боғлиқ. Дифференциацияланган таълим тамойили айнан шу жиҳатларни ҳисобга олади.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг ижтимоий-маданий мослашиши кўпинча ҳиссий ва хулқий бузилишлар билан мураккаблашади. Кўп ҳолларда бундай болалар камгап, ўзи кабилар билан мулоқотни маъкул кўради, нуқсонларини билиб қолишларини оғриқли қабул қилади. Кар ёки заиф эшитувчининг нутқи миқдорий етишмовчилик ва сифат жиҳатидан ўзига хослик билан тавсифланади. Кўпинча сўзларнинг товуш-харф таркиби бузилиши қайд этилади, чунки бола айрим товушларни илғай олмайди, бошқаларини нотўғри идрок этади, фақат урғули бўғинларни аниқ эшитади, сўз охирини, олд кўшимчаларни етарлича аниқ фарқламайди. Буларнинг ҳаммаси ўқув-тарбия ишларини имкон қадар эрта бошлаш заруратини келтириб чиқаради.

Кейинги ўн йилликларда эшитиш нуқсонларини эрта коррекциялашга оид назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилди. Уларнга кўра, эшитишида нуқсони бўлган болаларга мақсадли педагогик таъсир анънавий ёндашувлардагига қараганда тубдан фарқ қиладиган натижаларга олиб келади. Шу тадқиқотлар туфайли эрта комплекс коррекциялаш дастурлари ишлаб чиқилди. 3 ёшгача болаларда коррекция ишлари эрта коррекция саналади. Бу каби коррекция дастурлари қуйидаги натижаларга эришишга кўмаклашади: болаларнинг бир қисми 3-5 ёшига келиб, умумий ва нутқий ривожланишда нормал эшитадиган болалар даражасига яқинлаша олади, бу уларни эшитадиган болалар муҳитида интеграциялаб доимий ихтисослаштирилган ёрдамсиз ўқитишни амалга ошириш имконини беради. Айрим болалар оммавий мактабда сурдопедагогнинг доимий ёрдами билан ўқиш имконига эга бўлади; уларнинг кўпчилиги кейинчалик заиф эшитувчи болалар учун мактабда ўқиши мумкин бўлади.

Маида моторикани ривожлантириш болаларнинг ўқитувчининг қўл ҳаракатларига тақлиди жараёнида амалга оширилади. Масалан, предметлар билан манипулятциялаш олдидан бола: ювиниш, кир ювиш, миҳ қоқиш ва ш.к. ҳаракатларни имитатциялайди. Натижада ҳаракатлар мураккаблашади. Бола билан дактил алифбо белгилари ўрганилади. Тақлид қилиш малакаси болаларда маълум маълум ўйинлар: кўзгу, мозаика, намуна асосида таёқчалардан нақш тузиш ёрдамида шакллантирилади.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар билан машғулотларда диққатни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар: «Лото», «Жуфтини топ», «Танла ва кўрсат» кабилан албатта ўтказилади. Тасвирий санъат ва эшитиб идрок этиш машғулотларида ҳам бола диққати ривожлантирилади. Болалар эшитиш

материалини кўзларини юмган ҳолда, товуш манбасидан маълум масофада туриб, унга орқаси билан туриб идрок этишга ўрганади. Бу каби машқлар боланинг максимал даражада эътиборини жамлашини талаб қилади.

Болаларнинг қизиқишларини кенгайтириш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, шунингдек ўқув фаолияти ва ҳордиқ тартибига қатъий риоя қилиш эшитишида нуқсонни бўлган болаларда барқарор ихтиёрий диққатни шакллантириш имконини беради, бу интеллектуал ривожланиш учун жуда муҳим. Жонли бурчакда жониворлар ва хонаки ўсимликларни парвариш қилиш баробарида болалар ўз кузатувчанлигини ажойиб тарзда машқ қилдиради. Улар хонаки ўсимликларнинг ўсиши ва гуллашини, кўча ўсимликлари табиатдаги ўзгаришларга қандай реакция қилишини кузатади. Жониворларни парваришлар экан, болалар уларнинг одатлари ва қилиқларини ўрганади. Натижада, бола сабаб-оқибат алоқадорликларини ўрнатишга ўрганади: «Йилнинг совуқ пайти келаётгани учун барглари сарғайиб, тўкила бошлади», «Кун совуқ бўлгани учун ариқлардаги сувлар музлади». Ўзлаштирган билимларини болалар ҳикояларида умумлаштиради, шунингдек ўз расмларида акс эттиради.

Геометрик лото, «сехрли қопча», матрешка, пирамидачалар ва ш.к. дидактик ўйин ва ўйинчоқлардан кенг фойдаланилади. Натижада, болалар предметларни пайпаслаб фарқлаш, уларни таниб олиш, қиёслашга ўрганади. Машғулотларда болалар маълум сенсор тажриба эгаллайди ва мустақамлайди, бу уларга атроф оламда адаптатсия учун зарур.

Эшитишида нуқсонни бўлган болаларнинг сенсор тарбиясига, айниқса эшитиш идрокини ривожлантиришга катта эътибор берилади. Нутқ ва нолисоний товушларни фарқлашга машқлар бажарилади. Машғулотлар жараёнида болада товушлар олами ҳақида маълум тасаввурлар шаклланади, бу оғзаки нутқ сифатига ижобий таъсир қилади.

Кўргазмали-образли ва кўргазмали-ҳаракатли тафаккур боланинг интеллектуал ривожланишида катта рол ўйнайди. Кўргазмали-образли тасаввур лисоний-мантиқий тафаккурнинг шаклланиши учун муҳим. Эшитишида нуқсонни бўлган болалар бу жиҳатдан эшитадиган тенгдошларидан ортда қолади. Айнан шунинг учун болаларнинг фикрлаш фаолиятини шакллантириш нутқни ривожлантириш билан биргаликда олиб борилади. Бутун дастурий материал мавзуларга бўлинган ва ақлий ҳаракатларни босқичли ривожлантиришни кўзда туттади.

Болаларда тафаккурнинг кўргазмали-амалий шакли турли предметлар билан манипулятциялаш жараёнида шакллантирилади. Шу тариқа бола ўзи учун предметларнинг хоссаларини кашф қилади, биринчи умумлаштиришларни амалга оширади.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар предметлар таснифини ўзлаштиришда жиддий қийинчиликларга дуч келади. Айнан шунинг учун машғулотларда предмет ёки суратлардан фойдаланиладиган, албатта уларнинг умумлаштирувчи сўзларни гапириш билан, дидактик ўйинлар ўтказилади. Болалар ҳам бита предметга қараб гуруҳни ва аксинча аниқлаши керак.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларни элементар математикага ўргатиш ҳам уларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Ўқитишнинг биринчи йилида бола намунага кўра предметларнинг керакли миқдорини танлашга ўрганади. Математик дарсларда жараёнида ўқитувчи у ёки бу топшириқни бажариш усулига эътиборини қаратиши, болаларнинг бир бўғинли жавоблари билан чекланиб қолмаслиги керак. У боланинг шундай жавобга қайси йўл билан келганини аниқлаши керак.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар, одатда, суяқ ва сочиладиган моддаларни шартли ўлчов ёрдамида ўлчашда қийинчиликка дуч келади. Бу ҳолда товуклар билан ўйин самара беради. Масалан, ҳар бир пиёла гуруч ёнига биттадан товукча қўйилади, бу уларни кўргазмали қилади. Кейинроқ бола мустақил равишда пиёлалаб, қошиқлаб, стаканлаб ва ш.к. ўлчашни машқ қилади.

Ўлчанаётган нарсалар ҳажмини таққослашда ҳам товукчалар билан усулни қўллаш мумкин. Масалан, икки бўлак қоғозга икки пиёладан гуручни тўкиб, иккитадан товукчани қўйиб, педагог болалардан қайси қоғоз устида гуруч кўпроқ экани ҳақида сўрайди. Кўпинча, у тўғри жавобни олади. Қоғозлардан бирида гуруч уюм бўлиб, иккинчисида эса ёйилган ҳолда бўлса, гарчи товуклар иккитадан қўйилса ҳам, болаларда қийинчилик келтириб чиқаради. Машқни такрорлаганда болалар хатога йўл қўйишмайди. Бу каби топшириқлар болаларнинг предметларнинг катталиги, миқдори бўйича ўлчамлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаштиради, умумлаштиришга ўргатади.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар учун айниқса луғавий нутқни эрта ўрганиш жуда муҳим. Нормал эшитадиган болада нутқни эгаллаш учун сенситив давр уч ёшгача бўлса, эшитишида нуқсони бўлган болада шу нуқсон туфайли орқад қолиш кузатилади. Нутқнинг шаклланмаганлиги интеллектуал

ривожланишнинг кечикишига олиб келади. Эшитишида нуқсони бўлган болаларни мактабгача ўқитиш нормал эшитадиган болалар билан ортиб борадиган тафовутларни бартараф қилиш имконини беради.

Эшитишида нуқсони бўлган бола нутқни эгаллаши учун зарурий шарт болалар муассасасида нутқий муҳитнинг яратилганлигидир. Бола ўзлаштириши зарур бўлган нутқий материал ўхшаш вазиятларда катталар нутқида доимий қўлланиши, натижада, болалар томонидан такрорланиши лозим.

Нутқнинг ривожланиши нафақат машғулотларда, балки маиший турмуш шароитида, катталар ва тенгдошлари билан мулоқот жараёнида, шунингдек амалий фаолият давомида амалга ошади. Кичкинтойлар нутқий муҳитга ҳар бевосита бир болага яқка тартибда муружаат қилиш билан киритилади. Сўзларнинг минимал тўплами нашр қилинган жадваллар ва карточкалар кўринишида берилади. Бола йўл қўядиган оғзаки нутқдаги хатоликлар катталар томонидан, албатта дактил нутқ ёрдамида тўғрилаб борилади. Бу эшитишида нуқсони бўлган болаларга ўз нутқини таҳлил қилишда ёрдам беради.

Боланинг оғзаки нутқни эгаллаши асосида тақлид ётади. Катталар ортидан айна бир материални турли вазиятларда кўп марта такрорлаб, болалар уни эслаб қолади. Аста-секинлик билан кўп қўлланадиган сўзлар боланинг фаол луғати таркибига қўшилиб боради. Бундан ташқари, болаларда зарурий нутқий материални овоз чиқариб гапириш кўникмаси юзага келади, нутқий тафаккур ривожланади.

Топшириқларни жамоа бўлиб бажариш ёки умумий ўйинларда қатнашиш баробарида болалар албатта бир-бири ёки педагог билан оғзаки нутқ орқали мулоқот қилиши лозим. Бунинг учун педагог ва тарбиячи болаларни мақсадли равишда лисоний мулоқотга ўргата боради, бунинг учун зарур жумлаларни шакллантиради, лисоний фаолликни рағбатлантириб боради. Масалан, навбатчилик давомида болаларни саволлар бериш, ўртоқларига топшириқлар бериш ёки улардан ёрдам сўрашга ўргатилади. Машғулотларда атайин лисоний мулоқотни талаб қиладиган вазиятлар яратилади ёки ўйинлар ўйналади.

Дарсларда нутқ ўстириш ишлари учта йўналишда олиб борилади:

-мавзулар бўйича тақсимланган нутқий материални ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш;

- нутқий фаолият турларини (оғзаки нутқ, ўқиш, ёзиш, эшитиб-кўриб идрок қилиш, дактиллаш, тингалш) шакллантирилади;



- сўз маъноларини билиш учун тилга оид махсус кузатувлар, сўзнинг товуш-ҳарф таҳлили, сўзнинг бутун гап структурасидаги грамматик шакллари устида ишлаш.

Оғзаки нутқ инсон жамиятида илк нутқ шакли сифатида номоён бўлган. Дастлабки сўзлар товуш компликлар шаклида бўлиб, тарихий ривожланиш даврида маълум тушунчалар сифатида аниқланиб, мустаҳкамланиб борган. Лекин дастлаб имо – ишора нутқи мавжуд бўлган деган фикр ҳам мавжуд. Бу маълумотга кўра, оғзаки нутқ кейинроқ пайдо бўлган. Имо – ишора ва мимикалар орқали ўз фикрини ифодалашда товуш тақлид сўзларни ҳам қўллаганлар. Кейинчалик товуш бўлинмалар имо – ишоралардан ажралиб, мустақил маънога эга бўла бошлаган. Лекин тадқиқот натижалари таҳлилига кўра бу таълимот танқидга учраган ва мустақил эмас деб тан олинган.

## ХУЛОСА

Психологик нуқтаи назардан оғзаки нутқ енгил саналади. Уни фаолиятига киришиш – воситаси товуш фонемадир. Ёзма нутқнинг фонемага киришиш воситаси – график белги ҳарфидир. Оғзаки нутқни идрок этиш эшитув анализатори асосида ёзма нутқни идрок этиш кўрув анализатори асосида амалга ошади. Уларнинг ифода воситалари ҳам турличадир. Оғзаки нутқда бу оптеккалари, мимика, имо – ишора, урғу, ёзма нутқда – бу услуб, сўзларни алоҳида танлаш усуллари ҳисобланади. Оғзаки нутқ, ёзма нутқ ҳам монологик ва диологик шаклда бўлади. Болада оғзаки нутқ атрофдагилар билан мулоқотда ривожланади. Эшитув идроки ёрдамида бола атрофдагилар оғзаки нутқини идрок этади, 5-6 ёшларга эшитувчилар товушларни тўғри талаффузини эгаллайдилар. Луғат бойлиги ва гап грамматик қоидаларини амалий эгаллайди. Мактабгача ёшдаги кар бола бу йўл билан нутқни эгаллай олмайди, чунки у атрофдагилар нутқини эшитмайди. Агар эшитучи бола боғчага мактабга шаклланган нутқ билан борса мактабгача ёшдаги кар бола оғзаки нутқи мавжуд бўлмаган ҳолда боради. Унда нутқни бошидан бошлаб шакллантириш керак. Тадқиқотлар кўрсатишича, мактабгача ёшдаги кар болада эшитувчи болага нисбатан нутқий нафас олиш бир қатор хусусиятлари эгадир. У бўлинган ҳаво оқимидан фойдалана олмайди ва фразаларни қисмларга бўла олмайди. Махсус машқлар давомида мактабгача ёшдаги кар болаларда нутқий нафас олиш шаклланади. Уларнинг овози устида ҳам иш олиб борилади. Кўп миқдордаги мактабгача ёшдаги карларда овоз бўғик, модуллашмаган бўлади. Махсус

машқлар жараёнида тарбияловчи қар болани овозини эшитувчи бола овозига яқинлаштиришга ҳаракат қилади, лекин бу ҳар доим ҳам керакли натижаларга олиб келмайди. Мактабгача ёшдаги қар болаларни оғзаки нутққа ўргатишнинг муҳим қисми уларда турли талаффузни шакллантиришдир. Ўзбек тилидаги ҳар бир фонема мактабгача ёшдаги қар болада махсус усуллар билан қўшилади. Сақланган анализаторлар қўрув, сезги, ҳаракат анализатор фаолиятини қўллаб, тарбиячи олди товуш талафузини кўрсатади ва тақлид асосида талаффуз этилувчи товушлар “п”, “б”, “м” қўшилади, сўнг бўғин, сўз бирикмаларига ўтилади. Шу тартибда бошқа нутқий товушлар талаффузига ўтилади. Бу жараёни амалга оширишда эшитув қолдиғига таянилади.

### REFERENCES

1. Басова А.Г., Егоров С.Ф. История сурдопедагогика. М.: “Просвещение”, 2004
2. В.А. Нудельман и др. Особенности психического развития глухого ребенка. М.: 2005
3. L.R. Mo‘minovna, Sh.M. Amirsaidova, Z.N. Mamarajabova, M.U. Hamidova, D.B. Yakubjanova, M. Djalolova, N.Z. Abidova Maxsus psixologiya. T.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti”. 2013